

ХОЛИЁР ҚОДИРОВ

РУҲИМГА КУЧ БЕР, ВАТАН

*УМРДАФТАРИДАН БИТИКЛАР, ШЕЪРЛАР,
ДИЛСЎЗЛАР, СУҲБАТЛАР*



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

Тошкент

2011

УДК: 821.512.133–1

ББК: 84(5Ўзб)7

Қ – 53

Қодиров Х. Руҳимга куч бер, Ватан/шеърлар, дилсўзлар, суҳбатлар.
–Т.: «Янги аср авлоди», 2011. – 224 б.

ISBN 978-9943-08-797-2

Бу китоб меҳр ҳақида. Ота-онага муҳаббат, она Ватанга муҳаббат, устозларга, дўстларга муҳаббат тараннум этилади.

Холиёр Қодиров умр бекатларидаги энг азиз онларини, изтиробли ва армонли дамларни қалам измига солади.

Муаллиф Истиқлол туфайли юртимизда бўлаётган ўзгаришлардан қувонади, тараққиёт манзараларини, миллий қадриятларимизни назм ва наср уйғунлигида, ўзига хос қалб шуури ила тасвирлайди.

У ҳаётий мисоллар, умрбоқий ривоятлар ёрдамида фарзандларига, ёш авлодга оталарча насиҳат қилади.

Ўқувчи китобни ўқир экан, шунингдек, донгдор полвонларимизнинг ҳаёт тарзи, уларнинг ички кечинмалари билан ҳам танишади. Кураш фалсафасини ўзи учун кашф этади.

УДК: 821.512.133–1

ББК: 84(5Ўзб)7

Масъул муҳаррир

Акмал АБДИЕВ

ISBN 978-9943-08-797-2

© Холиёр Қодиров, «Руҳимга куч бер, Ватан». «Янги аср авлоди», 2011 йил.

САМИМИЯТ САРЧАШМАСИ

Инсон қалбини авайлаш, унга меҳр ила муносабатда бўлиш, кўнглини кўтариш, самимий ва беғараз ёрдам, оғаларча ёки оталарча юракдан маслаҳат бериш, тўғри йўл кўрсатиш... Бу фазилатларнинг барчаси чироқчилик фахрий полвон, бир неча йиллардан буён туман тиббиёт бирлашмасини самарали бошқариб келаётган тажрибали шифокор, олий тоифали ташкилотчи ва жарроҳ, Халқ депутатлари вилоят кенгашининг депутати Холиёр Қодировга берилган сифатлардир.

Қўлингизда турган «Руҳимга куч бер, Ватан» китобини ва рақлар эканман, «Дунёда мукаммал инсон бўладими? Мукаммалликка қандай эришилади? Мукаммал инсон қандай бўлиши керак? Биз ўз фарзандлик бурчимизни ёки оталик масъулиятини қандай бажаряпмиз?» каби ўнлаб долзарб саволларга жавоб топгандек бўлдим.

Яқинда бир қўшиқ эшитиб қолдим. Унда таниқли хонанда «Нима қилдим онам учун?» дея куйлаб, ҳаётда рафиқаси, болалари учун барча бойликларини бахшида этса-да, онасига ҳатто битта пайпоқ ҳам олиб бормаганидан афсусланади, армон қилади.

Қўлингиздаги ушбу китоб сизни огоҳликка чорлайди, муштипар онаизоримиз, қиблагоҳимиз бўлган отажонимизга меҳрли бўлишга ундайди, гўё.

Холиёр Қодиров ўзининг «Отажон» деган ҳикоясида меҳнаткаш ва заҳматкаш отаси ҳақида шундай хотирлайди:

– Отажон, сиз тўғрингизда ёзиш мен учун оғир. Хотираларни ёзай десам, минглаб дафтар етмаса керак.

Сизнинг 15 ёшингиздан далага чиқиб кетганингиз, собиқ шўролар даврининг оғир-оғир техникаларини бошқариб, бир

Ўзингиз тўрт-беш кишининг юмушини бажаришингиз, мусобақадoshлар орасида доимо пешқадам бўлганингиз ҳақида хотиралар ҳозир ҳам кексалар томонидан эсланиб турилади. Техникани «сув қилиб» ичиб юборганингиз учун хўжаликнинг энг фаол ишчиси сифатида кўп эътирофларга сазовор бўлдингиз. Сиз ҳақингиздаги мақола «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасининг биринчи саҳифасида чиққанида, ўқиб қалбимиз ғурурга тўлганди. Ёзда буғдой ўриб, кузда ер ҳайдаб, қишда ғалла экиб, баҳорда анҳор қазиб, қишин-ёзин ишда бўлардингиз.

...Отажон, давлат учун, биз учун жонини жабборга бериб ишлаган отажоним!

Ҳозир ота ва боланинг бир дастурхон устида қадаҳ уриштириб, спиртли ичимлик ичаётганини ҳар биримиз тез-тез учратиб тураемиз. Ота ўғлига ароқ ёки ўғил отасига носқовоғини узатаётган манзаралар ҳам кўзимизга бегона эмас. Аммо ота, сиз билан неча йил бирга яшаган бўлсам, бирор марта олдимизда спиртли ичимлик ичишингиз тугул, ҳатто майкачан ўтирганингизни ҳам кўрмаганмиз. Фарзандларингиз кўп, ўнта бўлса ўрни бўлак, деганларидек, барчамизнинг характеримиз турлича. Аммо ҳеч биримизни сўкмади у ҳокисор, эшитмадик ғазабли сўз ундан бир бор...

Қанчалик иши кўп бўлса ҳам беш вақт намозини канда қилмаган, фарзандлари олдида қаттиқроқ гапиришга ҳам истиҳола қилган покдомон отажоним... Эътиқоди доим ўзига ҳамроҳ, бирор марта демаган «э воҳ», менинг тоза иймоним... Қиблагоҳим, соябоним, султоним...

Дўхтир волидаси, эмикдошлари, оила аъзолари ҳақида ҳам ёзар экан, қалбидаги чуқур муҳаббатни, ўзаро меҳр-оқибатни тараннум этади. Ҳаётий воқеаларни сўзлаб, уларга ўз муносабатини билдиради.

Фарзандларини, набираларини, замондош ёшларни ота-онага, ёши улуғ қарияларга нисбатан оқибатли бўлишга чақиради:

– Бизни дунёга келтириб, авайлаб ўстирган, нимани хоҳласак, муҳайё қилган, одоб-ахлоқ ва касб-ҳунар ўргатган, ҳаётга йўллаган, уйлаб-жойлаган, одамлар қаторига қўшган, умрлари

ниҳоясигача ардоқлаб ўтган ота-онамизни ҳурматлаш, уларга яхшилик қилиш, меҳрибонлик кўрсатиш ҳар биримизнинг ша-рафли бурчимиз саналади. Бу Аллоҳ томонидан барча инсонларга буюрилган, Унинг пайғамбари томонидан қаттиқ тавсия қилин-ган гўзал инсоний фазилатдир.

Айниқса, оналаримизни бошга кўтаришга, уларга ҳамиша шафқатли, ҳокисор бўлишга, хизматларини қилишга буюрилган-миз. Фарзандини тўққиз ой қорнида авайлаб кўтариб юриш, ҳомиладорликнинг қийноқ-азобларига сабр билан бардош бериш, туғиш чоғида бир ўлиб-бир тирилиш, дунёга келтирганидан сўнг икки-уч йилгача бағридан бўшатмай, қўлидан қўймай ардоқлаб, парваришлаш, боласи учун бир тунни ўн беш-йигирма бўлакка бўлиб, оромидан кечиш, ҳатто улғайиб, уйли-жойли бўлиб кет-ганида ҳам меҳрини, шафқатини, марҳаматини аямаслик фақат оналаргагина хос илоҳий неъматдир, – дейилади бир дилбар ма-қолада.

Армонли ва шукуҳли кунлар эсга олинади, дил изтироблари ва қувончи қалам измига тушади.

Холиёр Қодиров кўп йиллар эл орини екасига олиб, елка-си ер искамаган полвонлардан. Китобдаги полвоннинг ория-ти, курашган онлари тасвирланган битиклар ҳам эътиборни тортади.

Курашимиз фалсафаси нима? Умуман, даврага яктак кийиб чиқишдан кўзланган мақсад нима? Қўйилаётган казо-казо со-лимларга эга чиқиш, бойлик орттиришми ёхуд кўнгил ёзиш ёки... Қайси полвон қандай мақсадни кўзлаб курашади? Полвонлар орасидаги фарқ нимада ўзи? Буни англаш мумкинми? Хуллас, китобни ўқир экансиз, барча саволларга жавоб топгандек бўла-сиз.

Қашқадарёлик паҳлавонлар – Жобир полвон Яздонов, Абду-раҳмон полвон Очилов, Нортожи полвон Саимов сингари ку-раш фахрийларининг, таъбир жоиз бўлса, ўзбек кураши устун-ларининг миллий қадриятимиз ҳақидаги ўлмас фикрлари ўқув-чининг маънавиятини, дунёқарашини бойитиш билан бирга унинг қалбидаги ғурур туйғуларини мустаҳкамлайди.

Шуниси эътиборлики, Холиёр Қодиров бўш вақтларида шеър ҳам машқ қилиб туради. Китобда унинг ўзидек самимий, дилга

яқин шеърлари ўрин олганки, уларни ўқир экансиз, «Агар шу одам тиббиёт ёки полвонлик йўлидан эмас, назм йўлидан кетганида адабиётимиз яна бир навқирон шоир билан бойиши мумкин эди», – деган оташин фикр хаёлингиздан ўтиши табиий. Қаранг, у Наврўзга бағишланган шеърида ўзи туғилиб ўсган Бекламишсой қишлоғи байрам сайлини қандай рангин тасвирларда ифодалайди:

**Бекламишнинг қирларига, қаранг турналар қўнди,
Қирчиллама қишгинамнинг қиличи бугун синди.
Сумалакнинг ҳидидан ой қизларим ютгинди,
Юртимга келган Наврўз, қадаминг қутлуғ бўлсин!**

**Наврўзнинг таронаси тутди ернинг юзини,
Қизлар кув ахтарар, йигит излар қизини.
Сирли-сирли шивирлаб, айтар севги сўзини,
Юртимга келган Наврўз, қадаминг қутлуғ бўлсин!**

**Элимда бугун байрам, ҳамма қўшиқ куйлайди,
Қирларимда қизғалдоқ, ҳамма шодон ўйнайди.
Аразлашган ярашиб, бир-бирини сийлайди,
Юртимга келган Наврўз, қадаминг қутлуғ бўлсин!**

**Янги йилнинг ҳар куни олам-олам бахт берар,
Наврўз севишганларга бахтдан тожу тахт берар.
Янги кунда яхшини тепадан Аллоҳ сўрар,
Юртимга келган Наврўз, қадаминг қутлуғ бўлсин!**

Китобдан дилбар ва умидли шоира, полвоннинг қизи Мадина Қодированинг латиф, кўнгилга яқин шеърлари ҳамда ёш журналист, «Ишонч» газетаси мухбири Акмал Абдиевнинг қаймоғи майин мақолалари ўрин олганки, бу ҳам сиз, азизларни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

Мухтасар айтганда, китоб оилавий ўқишга мўлжаллаб ёзилгандек, тарбиявий томонлари бисёр. Уни фарзандларимиз, яқинларимиз ила ўқиб, таҳлил қилишимиз, ўзаро фикр алмашиб, воқеаларга муносабат билдиришимиз мумкин. Албатта, камчи-

ликлари ҳам йўқ эмас. Аммо китобни самимий қалб ила ва фақат эзгу амалларнинг кўпайиши асосий мақсад этиб ёзилгани учун ҳам бу камчиликлар кейинги даражаларга тушиб қолади...

Китоб билан танишиб чиқиб, бунга ўзингизнинг ҳам амин бўлишингизга имонимиз комил...

*Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ,
журналист, 2011 йилда ўтказилган
«Энг улуг, энг азиз» Республика
кўрик-танлови галиби*

ОДАМИЙЛИК ҲАҚИДА СЎЗ

Жалолиддин Румий ҳазратлари айтади: «Аслинг каби кўрин, кўринганинг каби бўл!»

Аслимиз тупроқ, отамиз – Одам, онамиз – Ҳавво. Ҳазрати Нуҳ насли Ёфасдан тарқаган туркий қавм ўзбекмиз. Ёмон бўлишга, бир-бировимизни ёмон кўришга, яхши кўрмасликка ҳаққимиз йўқ. Шайтоний нафсдан, ҳаром луқмадан, гина-адоватдан, ҳасад ва ғийбатдан ҳазар қилсак, Тангри даргоҳи кенг, сўраганимизни бермасликдан Ўзи ҳазар қилади.

Яна бир гап, эмас бесабаб. Одам боласи ҳар недан азизу мукаррам қилиб Яратганининг тенгсиз меҳр нуридан яралган.

Тангрининг Қодиру мутлақлиги каби одам боласининг ҳам имконлари бисёр. Бироқ бу имконларни жиловлаб, йўлга солиш ҳар кимнинг ўз инон-ихтиёрида.

Жайдари нақл бор: Дарё тўлиб сув оқаётган бўлса ҳам, ит тили билан ичади. Демакки, омонат умрни ҳар ким ҳар хил ўтказди. Биров беҳуда, биров серунум. Ўзи каби кўриниш берган, ўзлигини қидириб яшаган одам топмасдан қолмас. «Иллат излаганга иллатдир дунё, ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё».

Машойихлар «Кичикни сақла, каттани мақта» (полвонлик ҳақида) деб айтиб кетишган бўлса, ҳам Холиёр полвон мақтовга зормас. У ўз йўлини, ўз кўнглини аллақачон топиб улгурган. Дангалини айтганда, Холиёр ўз элига ёр бўлиб, эзгуликка дастёр бўлиб, тўкилмасдан тўлиб, хатолардан қутулиб, эл-корига яраб, орқа-олдига қараб, комилликка интилиб, юрт меҳрига юкуниб яшамоқда.

Некбин ниятимиз битта: Орамиздаги одамлардан бирининг зийнатланган умри сабоқларидан баҳраманд этмоқ. Топган-тутганларимиз беминнат. Аслини олганда, бу биринчи уриниш ҳам эмас. Аввалроқ ёзилган «Қодир полвоннинг юртга қайтиши» китобимизда қувватимиз етгунча уриниб кўрганмиз. Ҳозир эса полвонлар дўхтири, дўхтирлар полвони, бировга айтмай, элликдан

ошиб қўйган, олтмиш тарафга озгина шошиб қўйган, қадди-қоматда, Фаҳму фаросатда Худойим қарашиб қўйган Холиёр акамининг санаса саксондан ошадиган кўп қиррали фаолияти, шаклу шамойили ҳақида икки калима сўз.

Аввало, ул зотнинг насл-насаби Бухоро амирлигининг рикобчи – ёрлиқ олган паҳлавони Қодир полвонга тегишли. Қодир полвоннинг томири, жондай невараси. Қодир полвон чинакам Алпомиш келбатли, Ҳожимуқон талъатли, полвонинг борми, деса кўз-кўзлаб кўрсатадиган афсонавий баҳодир бўлганлиги ҳақида ўтмиш-тарихни териб-тергилаб, бахшиёна сўз айтганмиз. Холиёрнинг туғишган амакиси Бегал бобони, Бегали шоирнинг қофиялари, дуоларини ёзиб, нашр қилганмиз. Баъзилар ўйлаганидек, Холиёр жуссаси катталиги учун полвон номини олмаган. У суяги қотгани ҳамона тўй давраларида, Тиббиёт олийгоҳида талабалик йилларида Кўкдала полвонлик мактабининг жонқуярларидан бири Тилов полвон мактабини яхши ўзлаштирган. Раҳматли устоз Хушмурод Файзиевнинг тотли сабоқларини сув қилиб симирган.

Унинг кураш давраларида «Эҳтиёт бўлмасанг, эсингни кетказоди», деган ваҳимали огоҳ сўз қолган. У қайтадан дунёга келган ўзбек курашида биринчилар қатори иккала қўл, иккала томонни ҳам бирдай ишлатиб курашадиган полвонлар сирасига киради. Унинг ўзбек садоқати – эл-юртига меҳру садоқати билан теппа-тенг. У бошқарган кураш давраси ҳамиша адолатли ва мароқли бўлган. У ҳозир ҳам Чироқчи музофотининг кураш федерацияси раиси. Ҳали-ҳамон, келаси замонда ҳам бу амални бошқа бировга бергиси йўқ.

Тўғриси, унинг тирикчилиги полвонлик эмас, бироқ у полвонликни йўғу борим, номус-орим, азму қарорим, омад барорим, деб билади.

Эҳҳе, ўтган йигирма йил ичида қанчадан-қанча хотира турнирлари Холиёр полвон ташаббуси билан қадр-қиммат қаймоғига ботирилиб, эпли-сепли, сариштаю соз, пардоз-андоз билан ўтказилганлигини бўяб-бежамай ҳар жойда айтса бўлади.

Эндиги сўз – Бош ҳақида. Курашда полвоннинг оёқ-қўли бирдай ишлаб, куч-қуввати бисёр бўлиб, боши яхши ишламаса, осон йиқилиб қўяди. Донишмандлардан бири одам боласини тоифаларга ажратганда, айнан тана аъзоларидан бирига ўхшатган экан.

Одамлар орасида бир тоифа (улар жуда кўп эмас) танадаги бошга ўхшаб – бошлиқ бўлиб, бошқарув қобилияти юқори даражада устун бўлар, баъзилар эса қўлга ўхшаб, ҚЎЛ МЕҲНАТИ билан кун кўрар, баъзилар КЎЗ, баъзилар ҚУЛОҚ, баъзилар ЖИГАР, айримлар ЮРАК, кимлардир ЎПКА (ўпкаси катта), аллакимлар ОЁҚ бўлиб, оёқларини кўп ишлатиб, умр ўтказар экан.

Холиёр полвонни ҳам унинг акаси, жондай жигари сеvimли устози, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими, тиббиёт фанлари номзоди, Муроддин Қодировлар ҳам БОШ тоифасидан, бошқарувчи тоифасидан эканига шубҳа қилмаса бўлади. Муроддин акани марказда бош шифокор бўлганига ўттиз йилдан, Холиёр акани бош шифокор бўлиб ишлаётганига йигирма йилдан ошганига нима дейсиз?

Холиёр шифокорликни, тиббиёт йўлини бежизга танламаган. Ака йўли – ота йўли, дегандек.

«Дардингни олай!», деган гап кимга ёқмайди. Бемор – морсиз бўлиб қолган одамга дармон улашиб, илонини қайтариб берадиган одамдан фойдалироқ яна ким бор?

Ана шу кони фойда одамларнинг – шифокорларнинг бошлиғи, бош шифокор бўлиб ишлаш масъулияти маҳалла оқсоқолиникидан-да, минг чандон вазминроқ эмасмикан?

Мустақиллик йилларида Чироқчидай кенг (ҳудуди Андижон вилоятига тенглашади) туманнинг деярли барча ҳудудида замонавий ҚВПлар қурилиб, ишлаб турганини аввало, Юртбошимизнинг, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг, қолаверса, бош шифокорларнинг азму шижоати билан баҳоласак тўғри бўлади. Марказий шифохонадаги ижобий ўзгаришлар, даволаш-профлактика ишларидаги олдинга силжишлар, «Тез тиббий ёрдам» соҳасидаги ютуқ ва имкониятларнинг ҳар қотимида бош шифокорнинг ҳиссасини адолат тарозусида баҳоламоқ даркор. Чироқчи шифокорларининг ҳар йиғилишида (пятиминутка) бош шифокор Қодировнинг ҳар бир маърузаси бир ривоят ёки доно сўз, ибратли шеърдан бошланишини, беморга дори-дармондан ҳам олдинроқ ҳам сўз малҳами бериш лозимлиги ҳақидаги хитоб билан бошланишини кўпчилик билмас.

Бир оз шоирона айтганда, чироқчилик шифокорларнинг тунги навбатчиликда ёки онда-сонда, дам олаётганда аввал жон-дили би-



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/2295> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/2295> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/2295>